

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИГИ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**1 БОСҚИЧ ТАЛАБАЛАРИГА КИРИШ  
МАШҒУЛОТЛАРИ  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА ВА ДАСТУР**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма ва дастур барча таълим  
йўналишлари учун мўлжалланган

Машғулотлар 2 ҳафта давомида олиб борилади  
Машғулотлар учун ажратилган соат – 60 соат

Гулston давлат университети 2021

## **Биринчи босқич талабалари учун кириш машғулотлари. Ўқув-услубий қўлланма ва дастур**

**Тузувчилар:** Қўшиев Ҳ.Ҳ., б.ф.д., профессор, ўқув ишлари бўйича проректор  
Худойбердиев И., ўқув-услубий бошқарма бошлиғи

Дастур Гулистан давлат университети Кенгашининг 2021 йил 28 авгуустдаги 1-сон йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

Мазкур дастурда биринчи босқич талабаларининг университет ва унинг фаолияти ҳамда 4 йиллик таҳсил олиш давомида ўқиш жараёнларини ташкил этилиш ҳолати билан таништириш режалари ўрин олган.

Дастурда ўқитувчи ўқув семестри бошида ўз фани бўйича талабаларга умумий тушунча бериши, унда ушбу фан нима ҳақидалиги, талабалар фанни ўрганиш натижасида амалиётда нималар қила олиши ҳақида батафсил тушунчалар бериш бўйича режалар киритилган. Талабаларнинг фанни ўзлаштириш кўрсаткичларини кредит модул тизими асосида баҳолаш бўйича тушинчалар бериши қайд этилган. Шунингдек, дастурнинг энг муҳим жиҳати талабаларга кредит модул тўғрисида маълумотлар берилиши бўйича алоҳида маълумотлар берилиши қайд этилган. Бунда ҳар бир талаба бакалавр ёки магистратура дастурлари бўйича каталоглар (китобчалар) ишлаб чиқиб, ўқиш давомида қайси фанларни ўрганиши мумкинлиги, ушбу фанларни кимлар ўқитиши, дастур давомида қандай билим, кўникма ва маҳоратларга эга бўлиши бўйича маълумотлар берилиши кўрсатилган.

Ўқув-услубий қўлланма ва дастур мавжуд адабиётлар, интернет маълумотлари ҳамда хорижий олий таълим муассасаларида тўпланган тажрибалар ва университетдаги фаолият натижалари асосида тайёрланган.

Дастурдан университетнинг биринчи босқичи талабаларига кириш машғулотларини ўтувчилар, фан ўқитувчилари ва умуман кредит-модул тизимида машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

**Такризчилар:** т.ф.д., профессор Нуриев К.К.  
б.ф.д., профессор Пазилов А.П.

## КИРИШ

Хозирги фан ва техника ривожланаётган бир даврда университет таълимида маълум стандартлар асосида белгиланган репродуктив билим билан чегараланибина қолмай, уни эркинлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан фанда юзага келаётган янги-янги қашфиётлар асосидаги илмий ахборотларни талаба қисқа муддатли ўқиши даврида ўзлаштириш имкониятига эга эмас. Иккинчидан, ҳаётий талаблар жуда тез ўзгараётган бир пайтда ишлаб чиқаришда ҳам янги-янги муаммолар юзага келмоқдаки, бу яратилаётган илмий қашфиётларга яна ҳам жиддийроқ ёндашишни талаб этади. Шунинг учун университет шароитида таълим жараёнини ҳаётий талаб ва муаммолар ечимиға мос ҳолда эркинлаштириб бориш лозимки, талабанинг имконият ва лаёқати келажакда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ечимиға қаратилган бўлиши керак.

Университет шароитида олиб борилган тажрибалар асосида шуни айтиш мумкинки, олий таълим системасида таълим жараёнини илмий тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши мухим аҳамиятга эга. Талабаларни илмий тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқаришга жалб қилиниши уларнинг олаётган назарий билимларини амалиёт билан боғлаш имконини беради, ишлаб чиқариш жараёнларига яқинлаштиради.

Талабанинг университетда таҳсил олаётган кунларидан бошлаб мавжуд ҳаётий муаммолар билан таништириб бориш лозим. Бунда талаба таълим олиш жараёнида кўпроқ муаммолар ечими билан қизиқади ва ҳар бир ўқиган адабиётлари саҳифаларидан ўзи қизиқкан маълумотларни чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиласи, шу муаммони ечими билан боғлиқ бўлган маълумотларни топиш учун кўпроқ адабиётлар ва манбалар билан танишишга ҳаракат қиласи. Бу ўринда шуни айтиш лозимки, таълим жараёнида фақат ўқитиладиган фанларнигина эмас, фан дастури талабларини ҳам эркинлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу талабанинг маълум муаммони ечими билан боғлиқ маълумотларни чуқурроқ ўзлаштириш имкониятини туғдиради.

Бугунги кунда таълим жараёнини кредит модуль тизимида ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур тизим талабанинг касбий ривожланишига йўналтирилган. Соҳа мутахассиси ва тадқиқотчининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини шакллантиришга қаратилгандир.

Модуль асосида ўқитиш тизимида талабалар билими, малакаси ҳамда кўнижмасини баҳолашда рейтинг баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Унда талабанинг барча ўқув фаолияти, яъни аудитория ва аудиториядан ташқарида олган, ўзлаштирган билимлари балл бериш орқали баҳоланади.

**Кредит** — талабанинг алоҳида таълим йўналиши ёки дастури (курс) бўйича фанларни ўқиб ўрганиши ва ўзлаштириши учун сарфланган ўқув юкламасининг (вақтнинг) ўлчов бирлигидир. Кредит — талабанинг меъёрий ҳужжат билан белгиланган, тегишли вақт давомида аудиторияда ва мустақил равишда таълим олиши учун ажратилган минимал вақт ўлчовидир. Талабага кредит маълум бир фандан белгиланган топшириқларни бажарив, якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтгандан сўнг берилади.

Хар бир талаба келажакда танлаган йўналиши ва мутахассислиги бўйича дипломга эга бўлиши учун кредитларни йиғиб бориши лозим. Тўпланган кредит талабага бутун умр давомида ўзининг малакасини ошириб бориш ёки қўшимча олий маълумот олишига хизмат қиласди.

Кредит тўплаш ўлчовининг киритилиши талабага катта эркинлик бериш билан бир қаторда, келажакда танлаган соҳасининг рақобатбардош мутахассиси бўлиб етишиши учун академик жараённи мустақил режалаштириш имконини ҳам тақдим этади. Айни чоғда, баҳолаш тизими ва таълим технологияларининг такомиллашишига ҳам олиб келади.

Бугунги кунда анъанавий ўқитиш тизимининг салбий жиҳатларидан воз кечиши ва халқаро стандартлар талаблари доирасида ишларни ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган обьект томон мустақил ҳаракат қиласди. Энг катта ургу ҳам талабаларнинг мустақил таълим олишига қаратилади.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида университет талабалари ҳар доим ўқитувчи ва курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбурият ҳамда талабни ҳам оширади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, модулли ўқитиш тизими билан ўқитувчи нафакат ахборот берувчи ва назорат қилувчи функцияларини, балки маслаҳатчи ҳамда мувофиқлаштирувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Педагогик жараёнда ўқитувчининг етакчилик роли сақлаб қолинади.

Таълимнинг кредит тизими талабалар алмашинувини оширади. Чунки битта университетда олинган кредитлар иккинчисида ҳисобга олинади ва талабалар кредит йўқотмасдан бир университетдан бошқасига ўтиши мумкин. Айнан ушбу тизим талабаларнинг илгор хорижий университетларда ўқишини давом эттиришига ҳамда мураккаб бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга имконият яратади.

Янгиликка интилиш, олий таълим тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиш бўйича бошланган ҳаракатларимизни давом эттириш ҳаммамизнинг вазифамиз ва тўғри қарордир.

Олий таълим муассасасига қабул қилинган талабаларнинг билим олиши ва илм эгаллашларида кўникмалар ҳосил қилишлари учун дастурда машғулотлар олиб боришга йўлланма ҳамда маълумотлар келтирилган. Дастурда ўтказиладиган машғулотлар режаси ва режа асосида ўтказиладиган машғулотлар учун вақт ҳамда талабаларнинг ўзлари учун шахсий режа тайёрлашлари асосида кўникмалар ҳосил қилиш кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари берилган.

# **ЎТКАЗИЛАДИГАН КИРИШ МАШЃУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ**

## **Олий таълим ва олий таълим тизими**

Олий таълим ҳақида

(<http://info.ziyonet.uz/uzc/post/view/education/highschool>)

“Олий таълим” атамаси заминида иқтисод, фан, техника ва маданият соҳасида фаолият олиб борувчи, иш мобайнида илм-фан, маданият, техника янгиликларини қўллаган ва ўз устида ишлаган ҳолда назарий ва амалий муаммоларни бартараф этувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тушунилади.

Олий таълимнинг асосий мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.

Олий таълим тизими

**Олий таълим тизими қўйидагича тузилган:**

- хусусий ёки давлат қарамоғида эканлигидан қатъий назар таълимий ҳамда касбга тайёрлаш дастурларини давлат таълим стандарти асосида татбиқ этувчи олий таълим муассасалари;
- олий таълимни ривожланишига зарур бўлган илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий-тадқиқот институтлари;
- давлат томонидан таълимни бошқарувчи идоралар, шунингдек, уларга қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар.

**Олий таълим муассасалари**

Олий таълим муассасалари юридик мақомга эга. Республикаизда олий таълим муассасаларининг қўйидаги кўринишлари бор:

- университет — олий таълим дастурини бажаришда талабаларга эгаллаётган соҳаси бўйича ёки кейинчалик ўқишлиарни давом эттиришлари учун кенг қамровли билим беришга эътибор қаратилади;
- академия — олий таълим дастурини бажаришда олий таълим бериш билан бир қаторда кейинчалик ўқишлиарни давом эттиришлари учун аниқ бир йўналишга тайёрлайди;
- институт — барча олий таълим муассасалари каби олий таълим дастурини бажаради, билим беришда бир йўналишга қаратилган билим берилади.

Олий таълим олиш учун нодавлат муассасаларини тузишга қонунчилик рухсат беради. Ушбу муассасага давлат аккредитацияни аттестациядан тегишли тартибда ўтгандан сўнг берса у ўқитиш хукуқига эга.

Олий таълим муассасаларининг Аттестацияси у давлатга тегишли ёки хусусийлигидан қатъий назар, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш Бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган, Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган педагогик кадрлар ва таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш Низоми асосида олий таълим

муассасаларининг профессор-ўқитувчилар жамоаси аттестациясидан ўтказилади. Аттестация натижаларига кўра исталган олий ўкув муассасаси давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

**Экстернат** — олий таълим дастурига мувофиқ олий таълим муассасасининг ўқитилувчи тартибини кейинги(жорий ва якуний) аттестациягача танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича мустақил ўрганиш.

**Масофавий таълим** — асосий фаолиятдан узилмаган ҳолда таълим муассасасидан узоқда ўкув дастуридаги мавжуд билимларни ўзлаштириш. У замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникациянинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Кундузги ўқитиши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Олий таълимнинг мақсад ва вазифалари**

Олий таълимнинг асосий мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.

**Олий таълимнинг асосий вазифалари қўйидагилар киради:**

- давлат таълим стандартига мувофиқ замонавий дастурлар асосида ўқитишнинг сифатини таъминлаш;
- олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
- илм-фан, маданият, иқтисоднинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий истиқболини ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- олий таълимнинг инсонпарварлигини таъминлаш мақсадида ёшлар тарбиясига миллий истиқлол ғояси асосида миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга, оиласа, атроф-муҳитга муҳаббатни сингдириш;
- ўқитишнинг интерфаол усулларини, педагогик инновацион ҳамда ахборот компьютер технологияларини, мустақил таълим олиш, масофавий таълим тизимини амалиётга жорий қилиш;
- олий таълимда фан ва ишлаб чиқариш механизмларининг уйғунлиги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;
- илмий-педагогик кадрлар ва таълим олувчиларнинг илмий-ижодий фаолияти, илмий тадқиқотлари ёрдамида фан, техника, технологияларни ривожлантириш, таълим жараёни орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳисса қўшиш;
- давлат ва нодавлат олий ўкув муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатни юзага келтириш;
- олий ўкув муассасаларини бошқариш ва кенгайтиришни такомиллаштириш учун жамоат бошқарувининг васийлик ва кузатувчи кенгашларни киритиш ;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини текшириш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, йўналиши бўйича белгиланган меҳнат билан таъминлаш мониторингини тузиш;
- олий таълим соҳасида икки томонлама фойдали халқаро алоқаларни ривожлантириш.

**Олий таълим тузилиши**

**Олий таълим тизими қўйидагича тузилган:**

- давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим дастурининг бажарилиши давлат таълим стандартига мувофиқ йўналишлар ва мутахассисликлар асосида олиб борилади;
- илмий-тадқиқот муассасалари илмий тадқиқот ишларини олий таълимни ҳуқуқий-норматив ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш учун юритишиади;
- олий таълимни бошқариш давлат органларининг вакиллари, шунингдек, уларга тегишли корхона, муассаса, ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қўйидаги турлари мавжуд: университет, академия, институт (улар билан тенг мавқега эга бўлган ўқув муассасалари).

**Университет:**

- олий ва ундан кейинги таълим учун таълимни бир неча йўналишда беради;
- турли соҳалардаги мутахассисларнинг малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;
- фанинг турли йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боради;
- илм соҳаси билан чамбарчас боғлиқ илмий ва методик марказ ҳисобланади.

**Академия:**

- таълим соҳасида маълум белгиланган олий ва олий таълимдан сўнгги таълим беришга мўлжалланган ўқув дастурини бажаради;
- мутахассисларнинг билимларини белгиланган тартибда малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;
- фан, маданият, санъат соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишларини олиб боради;
- ўз фаолияти доирасида етакчи илмий, методик маркази ҳисобланади.

**Институт:**

- олий ва олий таълимдан кейинги ўқув дастурларини бажаришни таълим ва фанинг маълум бир меъёрида амалга оширади;
- мутахассисларни маълум бир соҳада қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;
- фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини олиб боради.

Олий таълим муассасасининг давлат таълим стандартини мутахассислик йўналишлари бўйича бажарилишини, кадрлар тайёрлаш сифати давлат томонидан тайинланган орган олий таълим бошқармаси томонидан назорат қилинади.

Педагогик кадрлар ва ўкув муассасаларини аттестациядан ўтказиш, кадрлар тайёргарлиги сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади.

**Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалавриат ва магистратура.**

### **Бакалавриат**

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби “Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” билан, олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом” билан белгиланади.

**Бакалавриат** – фундаментал билимлар бериладиган асосий олий таълим бўлиб, тўрт йил давом этувчи олий таълимнинг йўналишларидан бири. Бакалавриатда ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда таълим жараёнининг давом этиш муддати бир йилдан кам бўлмаган вақтга узаяди.

Битиравчиларга давлат аттестация натижаларига кўра, бакалавриат таълим датурининг охирида тайерлов йўналишига кўра “бакалавр” академик унвони, муносиб қўкрак нишони ва давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Таълим дастурининг таркибий қисмига, бакалавр тайерлашнинг керакли даражасига, ўкув вазифаларнинг максимал ҳажмига, кадрлар тайёрлаш сифат назоратининг процедура ва механизmlарига умумий талаблар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилда тасдиқланган № 343-чи “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Асосий низомлар” қарори билан белгиланади. (№ 15-16, Ўзбекистон Республикаси қонунлар мажмуаси, 104 бет).

Бакалаврнинг профессионал фаолият соҳаси ва тури характеристикаси, квалификацион талаблар ва ўкув фанлари бўйича талаблар, таълим дастурининг структура ва таркиби, уни амалга ошириш механизми ва сифатини назорат қилиш аниқ тайерлов йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари орқали белгиланади.

Бакалавриатнинг мос йўналишлари учун, давлат таълим стандартлари асосида, олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ўкув режа ва дастурлар, ўкув фанлари ишлаб чиқилади.

Бакалавриатда бир хил профилли (умумий касб хунар тайёргарлиги ўхшаш) ўрта маҳсус, касб хунар таълимига эга бўлган шахсларга, олий таълимнинг шу йўналишидаги ўкув режаларига боғлиқ (кетма-кетликни таъминловчи) таълим дастурини тўлиқ эгаллашнинг тезкор имкониятлари берилади.

Ўкув режасига боғлиқ йўналиш рўйхати ва кадрлар тайёрлаш шароитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **Бакалавр:**

- йўналиш бўйича лавозимга тайёрланган олий маълумотга эга бўлган шахслар билан алмаштирилиши керак бўлган ишга;

- бакалавриатнинг мос келувчи йўналишлар доирасида танлаган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълим мини давом эттиришга;
- қўшимча профессионал таълимни кадрларни қайта тайерлаш ва малакасини ошириш тизимида олишга тайёр.

Бакалаврларни янги йўналишлари бўйича тайёрлаш хуқуки олий таълим муассасаларининг олий таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли органи расмий илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига белгиланган тартибда тақдим этилади.

### **Магистратура**

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига талабаларни қабул қилиш тартиби “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” билан белгиланади.

**Магистратура** – бакалавриат асосидаги икки йилдан кам бўлмаган аниқ мутахассислик бўйича олий таълимнинг давоми ҳисобланади. Магистратурада ўқишининг давомийлиги ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда олти ойдан кам бўлмаган вақтга узаяди.

Битирувчиларга давлат аттестация натижаларига қўра, магистратура таълим дастурининг охирида аниқ мутахассислик бўйича “магистр” академик унвони, муносиб кўкрак нишони ва давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Таълим дастурининг таркибий қисмига, магистр тайёрлашнинг керакли даражасига, ўқув вазифаларнинг максимал ҳажмига, кадрлар тайёрлаш сифат назоратининг процедура ва механизmlарига умумий талаблар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 16 август 2001 йилда тасдиқланган № 343-чи “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Асосий низомлар” қарори билан белгиланади. (№ 15-16, Ўзбекистон Республикаси қонулар мажмуаси, 2001 йил, 104 бет).

Магистрнинг профессионал фаолият соҳаси ва тури характеристикаси, квалификацион талаблар ва ўқув фанлари бўйича талаблар, таълим дастурининг структура ва таркиби, уни амалга ошириш механизми ва сифатини назорат қилиш магистратуранинг аниқ мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари орқали белгиланади.

Магистратуранинг мос мутахассислиги учун, давлат таълим стандартлари асосида, олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар, ўқув фанлари ишлаб чиқилади.

### **Магистр:**

- аниқ мутахассислик бўйича мустақил илмий тадқиқот, илмий педагогик ва бошқарув, профессионал фоалиятини олиб боришга;
- магистратуранинг мос келувчи мутахассислиги доирасида олий таълимидан кейинги аспирантурада давом эттиришга;
- қўшимча профессионал таълимни кадрларни қайта тайерлаш ва малакасини ошириш тизимида олишга тайер.

Олий таълим муассасасида магистратура йўналишини очишнинг асосий шарти – бу ўқув тарбиявий жараён билан боғлиқ ва юқори малакали мутахассисларни тайёрланишини таъминловчи мос кафедраларнинг илмий педагогик потенциали мавжудлиги ва илмий тадқиқот ишларини юқори даражада олиб бориш имкониятининг бўлиши.

Магистрларни янги мутахассисликлари бўйича тайерлаш хукуки олий таълим муасссаларининг олий таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли органи расмий илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Олий таълим муассасаси структурасида магистратуранинг маҳсус бўлими (факультет, марказ) очилади ва унга қўйидаги вазифалар юклатилади:

- талабаларнинг ўқув-тарбиявий жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилиш, ўқув-услубий хужжатлар ва ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқиш;
- магистрлар етиштириб берувчи кафедралар фаолиятини координациялаш;
- магистрлар тайёрлаш процессининг мониторинги.

Олий таълим тизимини бошқариш

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида олий таълимни башқариш давлат ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

**Олий таълим бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Маҳсус Таълим Вазирлиги ҳисобланади.**

Олий ва Ўрта Маҳсус Таълим Вазирлигига, таркибида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва бошқармалар билан биргаликда қўйидаги вазифалар юклатилади:

- бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартларини, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва босқичма-боқич киритиб бориш, ҳамда республика олий таълим муассасаларини улар билан таъминлаш;
- олий таълим йўналиш ва мутахассислик классификаторига зарур бўлганда Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзgartиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- олий таълим муассасаси фаолиятининг норматив-хукуқий таъминотини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ўқув-услубий бошқарувини амалга ошириш;
- олий ва ўрта маҳсус касб хунар таълими кадрларини тайерлаш, қайта тайерлаш ва малакасини ошириш масалаларини мувоқлаштириш;
- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг норматив-услубий интеграциясини таъминлаш.

Олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун илмий кегаш ташкил қилинади.

Илмий кенгашнинг таркиби, ваколатлари, тартиби ва фаолияти олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган қарори билан тартибга солинади.

Олий таълим муассасасида ижтимоий бошқарув органи бўлган васийлар кенгаши ташкил қилинади. Унинг таркибига таъсисчилар, маҳаллий ҳокимият органлари, вазирлик ва идора соҳалари, муассаса ва ташкилотлар, бошқа таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар, фондлар ва ҳомийларнинг вакиллари киради.

Олий таълим муассасаси шу олий таълим муассасаси қошида ташкил топган академик лицейларнинг бошқарувини ва бир хил профилли касб-хунар коллежларнинг ҳомийлигини амалга оширади.

Олий таълим муассасаси ҳақидаги амалдаги қонунчилигига ва Низомига кўра унда ижтимоий ташкилотлар, илмий ва қўнгилли жамиятлар, диссертацияни ҳимоя қилиш кенгашлари, илмий-услубий ва илмий-техник кенгашлар, ҳамда ёш олимлар кенгашини ва шунга ўхшашларни ташкил қилиниши тақиқланади.

Олий таълим муассасаси тасдиқланган ишчилар миқдори ва бюджет чегарасида (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар), талабаларнинг миқдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланган тартибда ўз структурасини шакллантиради.

### **Олий таълимдан кейинги таълим**

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим диссертация ҳимояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

### **Олий талимдан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қўйидагиларни ўз ичига олади:**

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишида тайёрлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

## **Гулистан давлат университети ҳақида маълумот**

Университетнинг ташкил топиш тарихи;

Университетда фаолият кўрсатаётган факультетлар;

Таълим йўналишлари;

Кафедралар тўғрисида маълумот;

Ўқув жааёни тўғрисида маълумот;

Илмий тақиқот фаолияти;

Илмий лаборатория ва эришилаётган ютуқлар;

Халқаро алоқалар ва хамкорликлар;

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимининг университетда ташкил этилиш механизми.

## **КРЕДИТ-МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ ҲАҚИДА**

таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима? Ушбу тизим талабаларга нима беради ва нималарни бажаришни талаб қиласди? Унинг амалдаги таълим тизимидан афзалликлари нимада? Қуйида ушбу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиласми.

### **Таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима?**

Бизга маълумки, ҳаётда кўп нарсаларни ўлчов бирлиги мавжуд. Масалан, вақт ўлчов бирлиги — сония, соат, узунлик ўлчови — метр, оғирлик — килограмм, суюқлик — литр, электр кучланиши ўлчови — вольт.

Савол туғилади: таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги борми? Сиз «ха, бор, олий таълимнинг ўлчов бирликлари бу бакалавр, магистр ва доктор» деб айтасиз. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки унинг даражалари ҳисобланади.

- **Кредит** – бу, олинганд билимни қачон ёки қаерда олинганидан қатъий назар, ҳисобини чиқариш ва тан олиш демакдир. Алмашинув бирлиги.
- **Модул** – бу алоҳида индивидуал ўқув фани. Ўзида билимга эгалик қилиш ва касбий жиҳатларини қамраб олган бўлиб, таълим олувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш натижасида шаклланган билим, кўникма ва компетенцияларни назорат қилишнинг тегишли тури билан якунланишни назарда тутади.
- **Кредит-модул** ўқитиш тизими эса, ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларни мунтазам равишда баҳолаб борувчи ўқув дастурини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш тизими ҳисобланади.
- **Таълимнинг кредит тизими** талабага йўналтирилган ўқитиш, таълим бериш ва баҳолашнинг ошкоралиги тамойилига асосланган бўлиб, синов бирликларини йиғиш ва қўчириб ўтказишдан иборатдир. Мазкур тизим синов бирликларининг жамғарип бориладиган таълимнинг барча босқичлари бўйича илгари йиғилган ўсиб борувчи синов бирликлари ҳисобини билдиради.

**Кредит модул тизими** маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, ўқув амалиёти, клиник ўқув амалиётлар, курс лойиҳаси (иши), шунингдек таълим олувчиларнинг мустақил машғулотлари бўйича ҳафталик соат юкламаси ва таълим олувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини акс эттиради. Таълим олувчилар томонидан барча мажбурий фаолият турлари бажарилгандан ва улар баҳолангандан сўнг кредитларни тўплаш мумкин.

**Кредит-модул ўқитиш тизими ўқув жараёнининг қўйидаги шаклларидан ташкил топади:**

- аудитория машғулотлари – маъруза, назарий, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари, ўқув (клиник) амалиёти;
- аудиториядан ташқари машғулотлар – илмий кутубхонада ишлаш, мустақил ишлар, индивидуал маслаҳатлар, клиник вазифалар, ишлаб чиқариш (малака) амалиёти, курс иши, битирув малакавий иши, таълим олувчиларнинг илмий анжуманларда катнашиши, магистратура мутахассисликларида илмий фаолият турлари ва бошқалар.

**ECTS (The European Credit Transfer and Accumulation System) – Европа Кредит Трансфер Тизими**

- **ECTS** – Европа Кредит Трансфер Тизими 1989 йилда асос солинган бўлиб, Европа давлатлари томонидан ишлаб чиқилган, текширилган ва такомиллаштирилган кредитларни тақсимлаш тизимиdir.
- **ECTS** тизимида талаба олган билимининг баҳосини бир давлатдан (ОТМдан) иккинчи давлатга (ОТМга) эркин кўчишини, эришилган кўникма ва малакасини эркин тан олинишини, пировардида барчасини хисобга олиб даражা (диплом) олишини назарда тутувчи тизимdir.
- **ECTS** тизимида таълим олишнинг барча турлари (кундузги, кечки, сиртқи, масофавий) ва ўқув юкламасининг барча кўринишлари (маъруза, амалиёт, лаборатория в.х) учун қўлланилиши мумкин.
- ECTS тизимида 3 та муҳим тушунча мавжуд:
  - 1) **ECTS кредити,**
  - 2) **Эришилган билим** – (Learning outcomes) шахснинг ўрганилаётган фан бўйича эришган билимлари, уни амалда қўллай олиши, фаннинг моҳиятини тушуна олиши, мушоҳада юрита олиш даражаси в.х.
  - 3) **Иш ҳажми ва тури** – (Workload) маъруза, амалиёт, мустақил иш, лаборатория.
- ECTS тизимида бир ўқув йилида жами **60** кредит йиғиши мумкин. Шундан **3** йиллик бакавр даражасини олишда **180** кредит, 2 йиллик магистратура даражасини олишда **120** кредит олиш қўзда тутилади.
- 1 Кредит одатда 30 академик соатга teng.
- Талаба таълим олиш давридаги 1 йил давомида ўртача  $1500/1800$  академик соатга teng вакт сарфлайди.
- 1 семестр давомидаги ўртача ҳафталар сони таҳминан  $15/16$  тани ташкил этади.

**Кредит-модуль тизими авваламбор мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукаммал ўлчов бирлигини олиб киради.**

Унга кўра, университетда ўтиладиган ҳар бир фан эндиликда ундаги ўқиш юкламаси миқдорига қараб, **кредитларда** акс этади. Масалан, ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7,5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўкув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши мумкин ва бу миқдорга қараб, унга бакалавр ёки магистр даражаси берилади.

ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60ни ташкил этади. Бир ўкув йили 2 семестрдан иборатлигини хисобга олсан, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши керак бўлади. Бакалавр дастури одатда 4 йиллиги хисобга олинса, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши талаб этилади.



Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкламасини билдиради. ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 соатлик ўқиш юкламасини англатади. Бу дегани, агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150-180 соатлик ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади ( $25 \times 6 = 150$ ;  $30 \times 6 = 180$ ).

$$1 \text{ Кредит} = 25\text{-}30 \text{ соат} \\ \text{Ўқиш юкламаси}$$

Шундай экан, кредит-модуль тизимини жорий этган ОТМларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб, ўқиш ҳали бошланмасданоқ ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклигини билиб оладилар. Бу ҳам таълимда шаффофликнинг бир кўринишидир. 1 кредит ўқиш юкламаси (25-30 соат оралиғида) айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир ОТМ ўзининг ички қоидаларида белгилайди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1 кредит учун белгиланган 25-30 соатлик ўқиш юкламаси бу фанни ўрганиш учун сарфланадиган жами ҳаракатлар жамланмаси бўлиб, унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, қўйингки талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун сарфлаган барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади.

Шунда талабада ушбу умумий ўқиши юкламасининг айнан қанча қисми дарсга, аудитория соатларига тўғри келади деган савол туғилиши мумкин. Кредит-модуль тизими амалиётида аудитория ва мустақил ўқиши соатлари нисбати ўртача 40/60 фоизни ташкил этади. Бу нисбат, бошқача қилиб айтганда, 1/1.5га тўғри келади, яъни талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқари бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.

Бунда ОТМ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиши юкламаси белгилаган бўлса, ундан 12 соати ( $30 \times 40\% = 12$ ) аудитория соатлари, 18 соати ( $30 \times 60\% = 18$ ) эса талабанинг мустақил ўқиши соатларига тўғри келади. Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиши юкламасини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 72 соат ( $(30 \times 6) \times 40\% = 72$ ) аудитория дарсларини, 108 соат ( $((30 \times 6) \times 60\% = 108)$ ) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиши юкламасини бажариши керак бўлади.



## **6 Кредит = 180 соат ўқиши юкламаси (40% аудитория соатлар / 60% мустақил ўқиши соатлар)**

Юқоридаги қоидалардан шуни тушуниш мумкинки, ECTS кредит-модуль тизимида талабанинг билим олиш вақти тушунчаси дарс вақти тушунчаси билан чекланиб қолмасдан, талаба ўқиши учун сарфлаган умумий вақт билан ўлчанади. Унда билимнинг манбайи фақат ўқитувчи ёки аудитория эмаслигига ишора қилинади. Қисқача айтганда, кредит-модуль тизимида ўқиши вақти тушунчасига ўқитувчи нуқтани назаридан эмас, балки талаба нуқтани назаридан ёндашилади.

Талабанинг ўқиши юкламасининг бу тарзда тақсимланиши талаба таълим олиш жараёнида масъулиятни маълум даражада ўз елкасига олиши, фан бўйича дарсда ва дарсдан ташқарида мунтазам равишда ўқиб бориши кераклигини ҳам билдиради.

1 соат аудитория вақти учун талаба 1,5 соат уйда ва кутубхонада ўқиши зарур. Лекин бу жараён кўп жихатдан ўқитувчининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Талабаларнинг ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун ўқитувчи уларга дарсдан ташқарида ўқиши учун қизиқарли материаллар ва топшириқлар бериб боришлиари мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Ўқиши юкламасининг мувозанатли тақсимоти**

Кредит-модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Бу 60 кредитни ташкил қиласди. Ҳар бир семестр учун белгиланган кредитлар миқдори эса 30 кредитни ташкил қиласди. Бундан ташқари, талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиши юкламаси миқдори ҳам аниқ ва бу 25-30 соат

оралиғида. Шундай экан, талабаларнинг ҳар ўқув йилидаги ўқиш юкламаси ўртача  $1500 \times 1800 = 1500$ ;  $60 \times 30 = 1800$ ), ҳар семестрдаги ўқиш юкламаси эса ўртача  $750 \times 900$  соатни ташкил этади ( $30 \times 25 = 750$ ;  $30 \times 30 = 900$ ). Талабанинг бир йиллик ва бир семестрдаги ўқиш юкламаси бу миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин эмас.

Кредит-модуль тизимида кредитларнинг фанлар бўйича ўртача тақсимоти 5, 6 ни ташкил этади. Бу дегани талаба бир семестрда кўпи билан 5 ёки 6 фан ўрганади ( $30/6=5$ ;  $30/5=6$ ). Бу талабалар семестр давомида ўрганиши зарур бўлган фанларнинг сони амалдагидан кўра анча қисқаришини англатади. Яъни кредит-модуль тизими ОТМ ўқув дастурларига месъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишига хизмат қиласди. Чунки фанлар сони бу тарзда қисқариши талабалар ўз вақт ва имкониятларини шу кам сонли фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишларига имконият яратади

### **Университетда кредит-модуль тизимида ўқитиши**

Университетда бакалавриат босқичида босқичида бир семестрда ўқиш 15 ҳафта ва аттестация учун 6 (бир семестрда 3 ҳафта имтиҳонлар учун ажратилган) ҳафта ажратилган. Шунда 4 йил бакалавриат таълим йўналишида ўқитиши 144 ҳафтани ташкил этади. Аттестациялар 24 ҳафтани ҳамда умумий таътиллар билан ҳисоблаганда жами 204 ҳафтани ташкил этади. Барча таълим йўналиши ва мутахассисликлар ўқув режаларида ҳар бир босқичда фанлар икки қисмга, яъни мажбурий ва танлов фанларига ажратилган. ECTS талабидан келиб чиқиб, талабага ҳар йили 60 кредитдан 4 йил ичида жами 240 кредитни тўплаш мажбурияти белгиланган. Шунда талаба 4 йил давомида маъруза, амалий ҳамда лаборатория машғулотлари ва имтиҳон жараёнларида иштирок этишига 2880 соат, мустақил таълимга 4320 соат, жами 7200 соат вақт сарфлаши лозим бўлади.

Кредит модул тизимида ўқитиши жараёнида фанларни ўзлаштиришда белгиланган соатларнинг 40%си аудитория ва 60%си мутақил таълимни ташкил этади, яъни 1 кредит = 12 аудитория соати + 18 соат мустақил таълимни ташкил этади. Шу боис 1 кредит 30 соатга teng деб қаралиб, талабанинг ҳафталик аудитория юкламаси 20 соатга teng. Малакавий амалиёт учун ажратилган кредит миқдори тегишли фан ёки фанлар ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган.

### **ЎРТАЧА ҚИЙМАТ ТУШУНЧАСИ - GPA (Grade Point Average)**

**GPA (Grade Point Average)** — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 + \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n}, \text{ бунда:}$$

K — фанга ажратилган синов бирликлари миқдори; U — фан бўйича тўпланган балл.

Масалан, талаба қуйидагича баҳолари мавжуд: 1) 3 кредитли фандан 55 балл олган, 2) 2 кредитли фандан 90 балл олган, 3) 4 кредитли фандан 60 балл олган десак:

$(3 \times 56) + (2 \times 90) + (4 \times 60) = 756 = 84$  (100нинг 84 фоизи). Талаба GPAsи 4 баҳога teng.

## **Талаба ўқитиладиган фан ҳақида олдиндан тегишли маълумотларга эга бўлиши мақсадга мувофиқ**

Ҳар бир ўқитувчи семестр бошида талабаларига ўз фани бўйича дастурини тақдим этиб, унда ушбу фан нима ҳақидалиги, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида амалиётда нималар қила олиши ҳақида батафсил тушунтириб, шундан кейингина дарсларни бошлиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, талаба белгиланган ва танлаган фанини ўзлаштириш жараёнида тегишли кредитлар тўплаш тушинчасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўтказилаётган кириш машғулотлари давомида бакалавр ва магистратура дастурлари бўйича талаба дастур каталогини, яъни китобчасини ишлаб чиқиш кўнимкасига эга бўлиши керак. Унда ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурнинг мақсадлари, университетдаги ўқиши шароитлари, академик тақвим, талабалар 4 йиллик дастур давомида айнан қайси фанларни ўқишилари мумкинлиги, ушбу фанларнинг қисқача тавсифи, қайси фан айнан қайси курсда ўрганилиши, уларни айнан кимлар ўқитиши, университетдада талабалар учун ётоқхона имкониятлари, талабаларнинг бир ойлик ўртача яшаш харажатлари, университетда қўлланадиган баҳолаш усул ва мезонлари ҳақида талабаларга олдиндан, шаффоф тарзда маълумот берилиши зарур бўлади.

### **Ўқув машғулотларини шаффоф тарзда ташкил этиш**

Кредит-модуль тизимида ҳар бир фан ўқитувчиси ўзининг фани бўйича 4-5 варакли фан дастурига яъни «силлабус»га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади. Фан дастури ўз ичида ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар рўйхати, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танланадиган фан бўлса, талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти янада ортади.

Ўқитувчи ўз фани мақсадларини олдиндан аниқ белгилайди ва семестр давомида барча таълим ҳаракатларини мана шу мақсадларга эришишга қаратади. Имтиҳонлар ҳам талабаларнинг шу кўзланган мақсадларга эришган-эришмаганини текширишга қаратилади.

## **РАҚАМЛИ УНИВЕРСИТЕТ ТИЗИМИ**

### **Рақамли университет мақсадлари:**

- олий таълим муассасалари фаолиятидаги барча жараёнларни очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;
- олий таълим тизимида бюрократик тўсиқлар юзага келишини олдини олиш ва молиявий харажатларни қисқартириш;

- олий таълим тизимида ўқув, илмий, маъмурий ва молиявий жараёнларни автоматлаштириш;
- олий таълим муассасаси, талаба ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида узвийликни таъминлаш;
- таълим жараёни иштирокчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш;
- таҳлилий маълумотларни шакллантириш ва қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш ва тезлаштириш.

### **Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими (HEMIS)**

Ушбу ахборот тизими "Маъмурий бошқарув", "Ўқув жараёни", "Илмий фаолият" ва "Молиявий бошқарув ва статистика" ахборот тизимларини ўз ичига олган

**HEMIS** ахборот тизими олий таълим муассасаларининг асосий фаолиятларини автоматлаштириш ҳисобига маъмурий ходимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга электрон таълим хизматларини тақдим этади. Ахборот тизими олий таълим муассасалари билан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ўртасида ахборот кўприги вазифасини ўтайди ҳамда олий таълим муассасаларидан олинадиган турли хил маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларнинг қофоз шаклидан воз кечиш ва бошқарув тизимини рақамлаштиришга хизмат қиласи.

#### *Tizimga kiriши*

Университет тизимидан фойдаланиш учун логин ва пароллари берилади. Олинган логин ва яратилган парол орқали фойдаланувчи ўзининг профилиги кириши мумкин.

Тизим 3 та бўлимдан иборат: талаба акаунти, университет акаунти, олий ва ўрта маҳсус вазирлиги акаунти.

Фойдаланувчи логин ва пароли орқали тегишли акаунтга кириб ўзининг фаолиятини амалга ошириши ёки тегишли маълумотларни киритиши ҳамда фойдаланиши мумкин.

#### **Биринчи босқич талабалари учун 2 ҳафтага мўлжалланган ўқув режаси**

| № | Машғулот мазмуни<br>(мавзуси)  | Ажратилган<br>вақт | Машғулот<br>ўтувчи | Ресурс |
|---|--|--------------------|--------------------|--------|
|   | Олий таълим тўғрисида маълумот. Олий таълим тизимини модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ишлар |                    |                    |        |
|   | Гулистон давлат университети: тарихи, университет тузилмаси, таълим йўналишлари                    |                    |                    |        |
|   | Таълимдаги кредит модуль тизими  |                    |                    |        |
|   |  |                    |                    |        |

